

ҚАСДДАН ОДАМ ЎЛДИРИШ ВА УНГА СУИҚАСД ҚИЛИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ

Ахмедова Зилола Хамидовна

мустақил тадқиқотчи

ilmiyizlanuvchi@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада қасддан одам ўлдириш ва унга суиқасд қилиш жиноятларининг келиб чиқиш сабабларига доир масалалар баён этилган. Бундан ташқари, мақолада мазкур жиноятларининг келиб чиқиш сабабларига доир олимларнинг фикрлари ҳам таҳлил этилган.

Калит сўзлари: Жиноятлар, вужудга келиши, профилактика, қасддан, одам ўлдириш, суиқасд қилиш, сабаблар, шарт-шароитлар, келиб чиқиш.

ПРИЧИНЫ ПРЕСТУПЛЕНИЙ УБИЙСТВА И ПОКУШЕНИЯ НА УБИЙСТВО

Ахмедова Зилола Хамидовна

независимый исследователь

ilmiyizlanuvchi@gmail.com

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы, связанные с причинами совершения убийств и покушений на убийство. Кроме того, в статье анализируются мнения ученых относительно причин совершения данных преступлений.

Ключевые слова: Преступления, возникновение, предотвращение, умышленное, убийство, покушение на убийство, причины, условия, происхождение.

CAUSES OF THE CRIMES OF MURDER AND ATTEMPTED MURDER

Akhmedova Zilola Khamidovna

independent researcher

ilmiyizlanuvchi@gmail.com

Abstract: *The article examines issues related to the causes of murder and attempted murder. In addition, the article analyzes the opinions of scientists regarding the causes of these crimes.*

Keywords: *Crimes, occurrence, prevention, intentional, murder, attempted murder, causes, conditions, origin.*

Жиноятлар профилактикаси бугунги кунда ҳар бир жамият ва давлат олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Жиноятчиликка қарши кураш, жиноятлар профилактикаси амалиётига назар ташлайдиган бўлсак, кейинги даврда жиноят ишини юритишга масъул бўлган субъектларнинг содир этилган жиноятнинг сабаблари, унга имкон берган шартшароитлар ҳамда оқибатларини бартараф қилиш, унга қарши курашиш вазифалари билан бирга, жиноятларни барвақт олдини олиш борасидаги фаолиятини ҳам такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Давлатимиз раҳбари бугунги кунда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари ишини самарали режалаштириш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, тизимли ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ҳамда уларга имконият яратаётган сабаб ва шароитларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда¹.

Албатта, жиноятлар профилактикасининг самарадорлиги жиноятнинг сабаблари ва уни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўз

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 феврал, ПФ4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда. (Десреэ оф тхе Пресидент оф тхе Републис оф Ўзбекистан "Он тхе стратегй оф астионс фор фуртхер девелопмент оф тхе Републис оф Ўзбекистан" датед Фебруарй 7, 2017, – Но. ПФ-4947. Соллестион оф Легислатион оф тхе Републис оф Ўзбекистан, 2017, – Но. 6, Артисле 70.


вақтида аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш фаолиятига бевосита боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, жиноятларнинг сабаблари ва уларни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни тизимли ўрганиш, уларни тадқиқ этиш, тадқиқотлар асосида профилактик фаолиятни такомиллаштириб боришни тақозо қилади. Қайд этиш жоизки, жиноятнинг сабаблари ва уни содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар нафақат жиноят процесси, криминология, криминалистика фанларида, шу билан бирга психология, фалсафа каби ижтимоий фанлар орқали ҳам ўрганилади.

Шу нуқтаи-назардан жиноятнинг сабаблари ва шарт-шароитларини батафсил ўрганиш, уларни тадқиқ қилиш ҳам ҳуқуқий, ҳам психологик, ҳам фалсафий, шунингдек ижтимоий ёндашувларни талаб қилади. Жиноятнинг сабаблари ва уни содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни тадқиқ этишда, энг аввало, «сабаб» ҳамда «шароит» сўзларининг луғавий маъноларига тўхталиб ўтиш лозим.

«Сабаб» сўзи ўзбек тилида бир қатор маъноларда қўлланилади, яъни бирор иш-ҳаракат, воқеа, ҳодисанинг юзага келишида, содир бўлишида омил бўлган бошқа воқеа; бирор иш-ҳаракат ёки ҳолат учун асос бўлган нарса; бирон бир вақт мобайнида бўлган ўзгаришдан сўнг иккинчи бошқа бир натижанинг заруран келиб чиқишини таъминловчи асосий ҳодиса². «Шароит» сўзи эса объектив ҳолдаги муайян вазият, бирор нарсанинг бўлишига таъсир этувчи ҳолат, имконият сифатида изоҳланади³.

²Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т.:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2007. Т-3. Б-408. (Эхпланаторий дистионарий оф тхе Узбек лангуаге. –Т.: «Национал энсйслопедиа оф Узбекистан» Стате Ссиентифис Публишинг Ҳоусе, 2007. В-3. П-408.)

³Ўзбек тилининг изоҳли луғати. –Т.:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. Т-4. Б-549. (Эхпланаторий дистионарий оф тхе Узбек лангуаге. Т.: «Национал энсйслопедиа оф Узбекистан» Стате Ссиентифис Публишинг Ҳоусе, 2007. В-4. П-549.)



Мазкур тушунчалар луғавий маъноларига кўра ҳам ўзаро узвий боғлиқ. Қайд этиш жоизки, жиноятнинг содир этилишига асос бўлган сабаблар, ўз навбатида, муайян шароитларда маълум бир оқибатларни келтириб чиқаради. Сабаб ва оқибатнинг ўзаро боғлиқлиги, бу икки воқеъликнинг эса шароит билан узвий алоқада эканлиги қонунияти жиноятчиликни илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш имконини беради.

Профессор З.Зарипов жиноятнинг сабаблари ва шарт-шароитларини куйидагича тавсифлаган, яъни «жиноятчилик сабаблари ижтимоий-психологик воқеълик сифатида жиноятчилик ҳамда жиноятларни келтириб чиқарувчи ўзига хос жараёнлар тизимидир, жиноятчиликнинг шароитлари эса ўзига хос равишда унинг сабаблари юзага келишини жадаллаштирувчи ҳолатларни ўз ичига олади»⁴.

Ушбу ўринда муаллиф жиноятчиликнинг келиб чиқишида муҳим роль ўйнайдиган сабаб ва шароитнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлигини, ҳар қандай шароитнинг ўзи мустақил жиноятчилик ва жиноятни келтириб чиқармаслигини, шароит мавжуд бўлган ҳолда бирор-бир жиноят сабабсиз содир бўлмаслигини аниқ ва равшан ифодалаб берган. Қайд этиш жоизки, жиноятларнинг сабаблари ўрганилганда, уларнинг содир этилишига баъзан биргина сабаб, ёхуд давомий сабаблар асос бўлган.

Муайян бир жиноятга олиб келган сабаблар кетма-кетлиги, айниқса, жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят, яъни безориликда яқол намоён бўлади.

⁴ Криминология: Дарслик / Зарипов З.С., Пулатов Ю.С., Аванесов Г.А. ва бошқ.; проф З.С. Зарипов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – Б. 65. (Сриминологий: текстбоок / Зарипов З.С., Пулатов Ю.С., Аванесов Г.А. отхер. Эдитед бй проф. З. Зарипова. — Т.: Асадеий оф тхе Министрий оф Интернал Аффаирс оф тхе Републис оф Ўзбекистан, 2006. – П-65.)

Қасддан одам ўлдиришнинг 0,2 %и, қасддан баданга оғир шикаст етказишнинг 2,5 %и безорилик оқибатида содир этилган. Қасддан одам ўлдириш ва унинг оқибатида содир этилган жиноятларнинг криминологик моҳиятини аниқлаш уларга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Айнан билишнинг криминологик усуллари у ёки бу жиноят нима учун содир этилган?, уларнинг сабаблари нимада?, уларнинг олдини олиш мақсадида қандай ҳуқуқий, ташкилий ёки бошқа чораларни қўллаш лозим? деган саволларга жавоб беради.

Фикримизча, ҳозирги кунда жамоат тартибига тажовуз қилувчи жиноятларнинг криминологик аҳамиятга эга бўлган хусусиятларга оид илмий фаразларни тизимлаштириш зарурати мавжуддир. Ушбу билимлар ўрганилаётган жиноятларга хулосалар, таклиф ва тавсияларни ташкил этиб, келажакда уларга қарши курашни режалаштириш имконини беради.

В.Малкова жиноятнинг сабаб ва шароитларини ўзига хос тарзда талқин қилган, яъни унинг фикрича жиноятнинг сабаби деганда шундай воқеа ёки ҳодиса тушуниладик, бундай ҳодисалар муайян шароитларда оқибатни келтириб чиқарадиган бошқа ҳодисаларни пайдо қилади. Жиноятнинг шароитлари эса ижтимоий ҳаётдаги турли ҳолатлар бўлиб, улар мустақил жиноятларни келтириб чиқармайди, балки унинг келиб чиқишига, содир бўлишига қўмаклашади, имкон яратади⁵.

В.Малкованинг мазкур таърифида муайян бир жиноятнинг келиб чиқишида сабаб бирламчи, сабабнинг оқибатни келтириб чиқаришида эса шароит муҳим ўрин тутиши қайд этилган. Қайд этиб ўтилган таърифларда жиноятнинг сабаблари ва шарт-шароитлари «сабаб», «шароит» ҳамда

⁵Криминология: Учебник // под ред. проф. Малкова В.Д. – Москва.: 2004 г. стр. -44. (Сриминологий: Текстбоок // эд. проф. Малкова В.Д. – Мосcow.: 2004 п. -44)

«оқибат» тушунчалари ўзаро бири иккинчисига узвий боғлиқлигини кўришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, ҳодисаларнинг сабабий боғланиши одатда бир ҳодисанинг бошқа бир ҳодисани келтириб чиқаришида намоён бўлади. Ҳар қандай ҳодиса замирида муайян сабаб ётади, бу эса сабабсиз ҳодисалар бўлмаслигини англатади. Оқибатни келтириб чиқарган сабаб оқибат келиб чиқиши учун зарур бўлган ҳодисанинг муайян тарзда ривожланишини таъминлайди. Бунда сабабнинг вақт нуқтаи-назаридан оқибатдан доимо олдинда бўлишини таъкидалаш лозим.

Албатта, жиноятга имкон берган сабаб ва шароитнинг муайян вақтда ҳаракатга келтирилиши жиноий оқибатни юзага келтиради. Жиноят содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитлар С.Данилованинг фикрича, объектив ва муқаррар равишда жиноятнинг содир этилишига олиб келадиган, ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳодисалар мажмуидир⁶. Муаллифнинг мазкур таърифи, бизнингча, жиноят-процессуал нуқтаи-назардан ёндашилганда ўринли ҳисобланади. Чунки жиноят содир этилишига имкон берган сабаблар занжири узун ёхуд қисқа бўлиши мумкин, яъни бир жиноятнинг сабаблари маълум бир шарт-шароитларда жиноий оқибат келтириб чиқаргунига қадар узоқ вақт давомида етилиб, такрорланиб келган бўлиши ёхуд келиб чиққан жиноий оқибатга ўша онда имкон берган ва юзага келтирган сабаблар бўлиши мумкин. Шу нуқтаи-назардан жиноий оқибатни аввалги ҳодисаларнинг сабабий занжири оқибати деб баҳолашимиз мақсадга

⁶Данилова С.И. Установление и устранение причин и условий, способствовавших совершению преступления, в стадии предварительного расследования // дисс., Москва, 2001. Стр. -37. (Данилова С.И. Эстаблишмент анд элиминатин оф тхе саусес анд сондитионс тхат сонтрибутед то тхе соммиттинг оф тхе сриме ат тхе стаге оф прелиминарий инвествигатион // дисс., –Мосcow, 2001. – П.37.)

мувофиқ. Қайд этиш жоизки, одам ўлдириш бошқа жиноятлар каби бир қанча шарт-шароитлар натижасида юзага келади.

«Жиноятчиликнинг шароити-ўз-ўзидан жиноят ва жиноятчиликни келтириб чиқармайдиган, аммо жиноят содир бўлиш сабабини туғдириб турувчи ғайриижтимоий ходисадир»⁷.

Криминологик адабиётларда жиноят содир қилишга шароит туғдирувчи сабаб ва шароит концепцияси мавжуд бўлиб, бунга мувофиқ шахс жиноят содир қилишдан олдинги муҳитга баҳо бериш ҳолати ва бевосита шахснинг

Ушбу концепциядан келиб чиққан ҳолда қасддан одам ўлдиришга имкон яратиб берувчи шароитлар таъсири механизмини тадбиқ этиш мумкин.

Шундай қилиб, жиноятчиликка қарши қарашлар, одатлар, шахсни ишонтириш муҳитни шакллантиради. Бу ўз навбатида жиноят содир қилиш учун сабаб бўлиши мумкин. Шунда аниқ бир жиноятни, алоҳида олинганда, қасддан одам ўлдириш жинояти сабабларини ўрганишда шахс ва унинг жиноятдагилар билан ўзаро ҳамкорлиги асосий бўғин бўлиб ҳисобланади.

Дарҳақиқат субъектда жиноятчиликка қарши қарашлар ва одатларнинг мавжудлиги ҳар доим ҳам қасддан одам ўлдиришни содир қилишга олиб келавермайди.

Жиноят, қоида тариқасида, маълум бир ҳолат ва сабаб мавжуд бўлгандагина вужудга келиши мумкин. Суд амалиётини ўрганиш шуни кўрсатади-ки, қасддан одам ўлдиришда шундай ҳолат ва сабаблар вазифасини жабрланувчининг бир қанча кўринишларда намоён бўладиган

⁷М.Усмоналиев, Й.Каракетов. Криминология. – Тосҳкент-2001, “Янги аср авлоди”, 83-бет.

Ўзини тутиши бажаради: яъни қонуний, жамоатчиликка фойдали бўлиши билан биргаликда ғайриҳуқуқий, жиноий бўлиши мумкин. Қотилнинг онгига таъсир этиши натижасида маълум бир реакцияни вужудга келтиради. Шундай тарзда, жиноят содир этилишига шароит пайдо бўлади. Шунини ҳам таъкидлаш керак-ки, жиноий тажоввузга имкон берувчи жабрланувчининг ўзини тутиши асосий сабаб ва шароитлар кўринишида бўлиши мумкин.

Криминалогик тадқиқотлар шунини кўрсатади-ки, қасддан одам ўлдиришга имкон берувчи шароит таъсири механизмида аҳамиятга молик бўлган вазифани жиноят мотиви ўйнайди. У шахснинг жамоатчиликка қарши бўлишида амалий тараф бўлиб ҳисобланади. Жамоатчиликка қарши бўлишда шахснинг мотиви бўлмаслиги абстракт тушунча бўлиб қолиши мумкин эди. Шунинг учун мотивнинг жиноий аҳамиятини ҳисобга олмаслик кўп ҳолларда жиноятчининг шахсини ўрганишни аҳамиятини ҳам йўқотган бўлар эди. Одам ўлдиришни характерловчи ҳолати. Улар кўпинча бирданига юз берадиган қасддан содир қилинган, қотил учун эса асосан вазият ҳақида фикрлаш характерлидир.

Шунга эътибор бериш керакки, ҳозирги қонунчилик қуйидаги қотилликларни кўриб чиқмоқда: маиший, ишдан ҳоли маҳалдаги, оилавий қотилликлар. Шундан олдиндан ўйлаб содир қилинган одам ўлдириш улуши атиги 5 % ташкил қилади. Ушбу қотилликларга кўпинча ҳар хил турдаги можоролар сабаб бўлади: талашиш, жанжал, уруш, ўзаро ҳақоратлаш ва бошқалар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Abdurasulova Q.R. Kriminologiya. –Т.:ТДИОИ. 2008. 179 bet.
2. M.Usmonaliev, Y.Karaketov. Kriminologiya. – Tos' hkent-2001, "Yangi asr avlodi", 83-bet.

3. Криминология. Под общей ред. док.юр.наук., проф. А.И.Долговой. – М., 1999. – 443-б.
4. Данилова С.И. Установление и устранение причин и условий, способствовавших совершению преступления, в стадии предварительного расследования // дисс., Москва, 2001. Стр. -37.
5. Криминология: Учебник // под ред. проф. Малкова В.Д. – Москва.: 2004 г. стр. -44.
6. Криминология: Дарслик / Зарипов З.С., Пулатов Ю.С., Аванесов Г.А. ва бошқ.; проф З.С. Зарипов тахрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – Б. 65.